

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Harry Anthony Patrinos Felipe Barrera-Osorio Juliana Guáqueta. The Role and Impact of Public-Private Partnerships in Education. 2009. The International Bank for Reconstruction and Development // The World Bank. P. 53.
2. Юсупов Н.А., Карабаев Ф.Э. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под. редак. А.Э. Шайхова. Т.: 2013. 113 с.
3. Низамов А. Таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлигида давлат-хусусий шериклик модели. Монография. Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТ институти. 2017. 110 б.
4. Котлер Ф. Маркетинг менеджмента. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. С.Г. Божук. СПб.: Питер, 2006. 464 с.
5. 2017-йил 15-сентябр Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017.

Д.А. Шадманкулова

Ўзбекистон миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

dlnz@bk.ru

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон глобал иқтисодий тараққиётида рақамли трансформация жараёнидаги ўзгаришлар ва ривожланиш ҳолатлари кенг ёритилган. Шунингдек, рақамли технологияларнинг иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига таъсири иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан таҳлил этилиб, хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, интернет, рақамлаштириш жараёни, блокчейн, глобал иқтисодиёт.

Д.А. Шадманкулова

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

dlnz@bk.ru

ВАЖНОСТЬ И СПЕЦИФИКА ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ В ГЛОБАЛЬНОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Аннотация. В этой статье подробно описаны изменения и тенденции в процессе цифровой трансформации в мировом экономическом развитии. А также,

сделан анализ с точки зрения социально-экономического и политического влияния цифровых технологий на отрасли и секторах экономики

Ключевые слова: цифровая трансформация, интернет, процесс цифровизации, блокчейн, глобальная экономика.

D.A. Shadmankulova

National university of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

dlnz@bk.ru

THE IMPORTANCE AND SPECIFICATIONS OF DIGITAL TRANSFORMATION IN GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT

Abstract. *This article describes in detail the changes and developments in the process of digital transformation in global economic development. It provides socio-economic and political analysis of the impact of digital technologies in industries and spheres.*

Keywords: *digital transformation, internet, digitization process, blockchain, global economy.*

Иқтисодиётни рақамлаштириш масалалари илк маротаба 1990 йилларнинг ўрталарида тадқиқ қилиниб, илк таърифлар келтирилган. Мазкур таърифларда корхона ва истеъмолчилар виртуал дунёда учрашувчи восита сифатида эътироф этилди [1]. 90-йилларнинг охирларига келиб эса таҳлиллар асосан интернетдан иқтисодиётда фойдаланиш орқали корхоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишларига таянди. Айнан интернет ресурсларининг иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнидаги таъсир доираси кенг баҳоланиб, унинг яширин имкониятлари юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди [2].


Иқтисодиётни рақамлаштириш масаласи мамлакатлар миқёсида кун тартибидаги жиддий масала сифатида қаралди. Натижада мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга замин яратилди [3]. Мазкур жараён эса иқтисодиётни рақамлаштириш деб номланиб, бунда жаҳон бозорида янги рақамли маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг инновацион турлари таклифи ортди. Иқтисодиётни рақамлаштириш ёки рақамли трансформация жараёни деярли барча тармоқ ва соҳаларни қамраб олган ҳолда, иш унумдорлиги ва меҳнат самарадорлигини кескин оширишга, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини яхшилашга, таннархни камайтиришга, жаҳон бозорининг кенг миқёсда қамровини амалга оширишга имконият яратди [4].

Бугунги кунда иқтисодий рақамлаштириш жараёнида асосий урғу рақамлаштириш хизмат турлари, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, интернет тижоратини ривожлантириш шартлари, тижорат саноатининг барча вакиллари, янги ахборот телекоммуникацион инфратузилмани ривожлантириш шарт шароитларига қаратилмоқда. Янги ахборот технологиялари соҳасидаги глобал бандликда банд бўлганлар сони 2010 йилда 34 миллион кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 39 миллионгача ошди. Шундан энг юқори улушни компьютер хизматлари соҳасида банд бўлганлар ташкил этиб, уларнинг улуши жамига нисбатан 38 фоизга тенг бўлган. 2018 йилда рақамлаштирилган хизматлар экспорти 2,9 трлн. АҚШ долларни ёки дунё бўйича хизматлар экспортининг 50 фоизини ташкил этиб, 2005 йилдан 2018 йилгача мазкур хизмат турлари қарийб уч бараварга кўпайган. [5]Иқтисодий рақамлаштириш жараёнида рақамли платформалар муҳим омил бўлиб, бугунги кунда уларнинг капиталлашув ҳажми 100 миллион АҚШ долларидан ошган ҳамда мазкур платформа компанияларининг умумий қиймати 2017 йилда 7 трлн доллардан ошиқроқ баҳоланди, бу 2015 йилдагига нисбатан 67 фоизга юқоридир.

Рақамлаштириш жараёнида интернет тармоғининг таъсир доираси юқори бўлиб, 2002-2022 йиллар давомида глобал интернет протокол трафиғи эволюцияси таҳлил қилинган. Унга кўра, 2002 йилда ҳар секунд давомида 100 GB трафик сарфи амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 2000 GBга, 2017 йилда 46600 GBни ташкил этган, мутахассислар ҳисоби бўйича 2022 йилда 150700 GBга тенг бўлиши прогноз қилинмоқда [5]. Айрим глобал рақамли платформалар маълум соҳаларда жуда кучли бозор позицияларига эга, жумладан, Google интернет қидирув бозорининг қарийб 90 фоизини, Facebook глобал ижтимоий медиа бозорининг учдан икки қисмини ҳамда дунё иқтисодийнинг 90 фоизидан ортиғида энг яхши ижтимоий медиа платформаси бўлиб ҳисобланади. Amazon дунёдаги онлайн-чакана савдо фаолиятининг қарийб 40 фоиз улушига эга ва унинг Amazon Web service глобал булутли инфратузилма хизматлари бозорида катта улушни ташкил этади.

Дарҳақиқат рақамлаштириш жараёнининг жадаллашуви бир қатор йўналишлар ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиб, 2018 йилнинг ўзида янги ахборот қурилмалари истеъмоли 8,6 миллиард \$га, 5,7 миллиард \$ мобил кенг полосали уланишларга эришилиб, интернетга уланишлар сони йилига 17 фоизга ўсишига эришилди. Мазкур кўрсаткич 2024 йилга келиб 22 миллиард \$дан ошиши кутилмоқда. Дунё бўйича АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Корея Республикаси, Франция ва Буюк Британияга

интернет қурилмалари учун сарфланадиган харажатларнинг 74 фоизга тенг улуши тўғри келади.



1-расм. Интернет ресурсларига харажатлар географик тақсимоти (фоизда) [6]

Албатта, мазкур жараён бевосита мамлакатларда электрон савдонинг ривожланиши билан ҳам тавсифланади. Бугунги кунга келиб жаҳон иқтисодиётининг интеграллашуви ва рақамлаштирилишида бешинчи авлод тезкор 5G симсиз алоқа технологиясининг кенг тарғиб қилиниши ва амалиётда қўлланилиши талаб этилмоқда. Мазкур алоқа технологияси ҳозирги тизимларга қараганда қарийб 1000 баравар кўпроқ маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил қилиши мумкинлиги, шунингдек тезликнинг оширилиши транзакцион харажатларни кескин камайтиришга олиб келиши билан характерланади. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра 2025 йилга келиб, АҚШ, ундан кейин Европа ва Осиё Тинч океанида тезкор 5G симсиз алоқа технологиясида ишлашга тўлиқ ўтилади. 2025 йилга келиб, 5G тармоғининг жамига нисбатан улуши Корея Республикасида 59 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда, Лотин Америкасида бу кўрсаткич атиги 8 фоизни ва Саҳрои Африкада 3 фоизни ташкил этади [5].

Иқтисодий жараёнларни рақамлаштиришда турли технологиялар, жумладан, блокчейн технологиясидан фойдаланиш амалиётини ҳам ривожлантиришни талаб этади. Очiq ресурслар платформасига асосланган блокчейн технологиясидан микро ва макро даражадаги иқтисодий жараёнларда фойдаланиш орқали қатор муаммоли вазиятларни бартараф этиш мумкин бўлади. Жумладан, амалга ошириладиган молиявий операцияларни амалга ошириш вақтини кескин равишда камайтириш,

транзакцион харажатларни қисқартириш, иш унумдорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш, марказлаштирилмаган маълумотлар базасининг ишлаши натижасида иқтисодий жараёнда иштирок этувчи барча томонларни бир вақтнинг ўзида барча маълумотлар билан танишиш имкониятининг мавжудлиги, катта ҳажмдаги маълумотлар базасини чекланмаган давр мобайнида тўплаш ҳамда мазкур маълумотлар базасидан келгусида таҳлил объекти сифатида фойдаланиш кабилардир. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида 2018-2021 йиллар давомида блокчейн технологияларидан фойдаланиш масштаби бир неча юз баробар оширилиши билан унинг қамрови 2022-2026 йилларда янада кенгайтирилиб, молиявий бошқарувни амалга ошириш имконини берувчи махсус бизнес моделларини пайдо бўлишига олиб келиши юзасидан илмий прогнозлар келтирилмоқда [7]. 2018 йилнинг ўзида мазкур технологияларнинг иқтисодий жараёнларга тадбиқ этилишига қилинган харажатлар миқдори дунё миқёсида 3 трлн. АҚШ долларидан ошади.

Шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида интернет ресурсининг таъсир доираси юқори бўлиб, ижобий томонлари билан бир қаторда, қатор муаммоли вазиятлар бўйича чора тадбирларни ҳам ишлаб чиқишни талаб этади. Мамлакатлар бу икки вазиятга ҳам ўзининг чора тадбирларини ишлаб чиқиши лозим. Глобал иқтисодий ривожланишда рақамли трансформация жараёнида барча рақамли технологиялар имкониятидан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ўсишига, аҳолининг даромадларини ошишига ва бунинг натижасида турмуш тарзини яхшиланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Barefoot K, Curtis D, Jolliff W, Nicholson JR, and Omohundro R (2018). Defining and measuring the digital economy. Working paper. Bureau of Economic Analysis, United States Department of Commerce, Washington, DC. Available at: <https://www.bea.gov/system/files/papers/WP2018-4.pdf>.

2. UNCTAD (2017a). *Information Economy Report 2017: Digitalization, Trade and Development*. (United Nations publication, Sales No. Sales No. E.17.II.D.8, New York and Geneva).

3. UNCTAD (2018a). *Technology and Innovation Report 2018: Harnessing Frontier Technologies for Development* (United Nations publication, Sales No.E.18.II.D.3. New York and Geneva).

4. Adapted from Bukht and Heeks, 2017; Malecki and Moriset, 2007; and UNCTAD, 2017a. There is an ongoing debate about which firms in specific sectors or categories should be included or excluded as digital or IT. For example, gaming, digital media and

financial services firms, which might arguably be seen as key firms in the digital economy, have not been included in some of the measurements (HoC, 2016).

5. Режим доступа: <https://unctad.org/press-material/global-efforts-needed-spread-digital-economy-benefits-un-report-says>.

6. UNCTAD (2019b). UNCTAD Rapid eTrade Readiness Assessments of Least Developed Countries: Policy Impact and Way Forward. Geneva. Available at: Режим доступа: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/dtlstict2019d7_en.pdf

7. Jie S (2018). China exports facial ID technology to Zimbabwe. *GlobalTimes*, 12 April. ACS (2018).

Д.М. Усмонова, илмий раҳбар М.С. Касимова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

usmonova.diyora@inbox.ru

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА УЗУМЧИЛИК ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Аннотация. *Мақола бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини, узумни етиштириш, сақлаш ва экспорт қилиш ҳолати берилган. Узумчиликни экспорт салоҳияти ва уни Тошкент вилоятидаги ҳолати таҳлил қилинган. Қилинган таҳлил асосида узумчиликни экспорт салоҳиятини оширишнинг маркетинг стратегиялари кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *мева-сабзавот маҳсулотлари, кластер, узумчилик, узум экспорти, бренд, маркетинг стратегиялари.*

D.M. Usmonova, scientific adviser M.S.Kasimova

Tashkent state university of economics

Tashkent, Uzbekistan

usmonova.diyora@inbox.ru

MARKETING STRATEGY FOR INCREASING VITICULTURE EXPORTS IN TASHKENT REGION

Annotation. *The article describes the current state of cultivation, storage and export of fruits, vegetables, grapes in our country. The export potential of viticulture and its situation in Tashkent region were analyzed. Based on the analysis, marketing strategies to increase the export potential of viticulture are presented.*